



# ИШОНЧ

## РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Кеча Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг Хамдустилик Мамлакатлари буйича махсус маслаҳатчиси Стивен Станович раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи бошланди. Делегация аъзолари Вазирлар Маққамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва кўплаб ташкилотларда қабул қилиниб, узаро манфаатли ҳамкорлиги ривожлантириш буйича музокаралар утказмоқдалар.

Кеча Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ўзбекистон-Франция фазовий суратта олишни урганиш марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон фазовий тадқиқотлар асосида тасвирга тушириш, ушун турли соҳаларда фойдаланиш, у эчимини топа олмаётган муаммолардан бири саналар эди. Энди эса бунга барҳам беришди десак муболага бўлмайдди.

ЎЗБЕКИСТОН НАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1 ноябрь, шанба 1997 йил №128 (478)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

### Ўзбекистон-Венгрия:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ САРИ

### ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АРПАД ГЕНЦНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Венгрия Ўзбекистон учун янгилик эмас. Венгрия дунё харитасидан минг — минг йиллик тарихга эга бўлган мамлакат сифатида урин олган. Шунга кўра унинг тарихи ва маданияти жуда бойдир. Шу асрнинг ўзига у Европа ва ҳатто бутун жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида, унинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашиб келмоқда. Бу борада тарихий далиллар бениҳоя кўп. 1994 йил Венгрия пойтахти Будапештда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг олий анжуманидан айри бўлиб ўтган эди. Бу анжуманда мамлакатимиз Президент И. Каримов ҳам қатнашиб, нутқ сўзлаганди.

Маълумки, мустақилликка эришган, Ўзбекистон ҳам Венгрия сингари халқро миқёсдаги жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳар иккала давлат ҳам кўплаб умумжаҳон ташкилотларининг тент ҳуқуқли аъзолари. Фаолиятдаги муштараклик иккала мамлакат раҳбарларининг Тошкентдаги маърузаси рўйхатдан узаро ривожланиш йулларига қаратилишига йул очди.

30 октябрь. Мамлакатимиз пойтахтидаги «Дурмон» қароргоҳида Президент И. Каримовнинг Венгрия Республикаси Президенти Арпад Генцини расмий кутиб олиш маросими билан маърузаси таърифнинг асосий қисми: ҳар икки мамлакатлар ҳаёти ва халқро аҳамиятта молик масалалар муҳокамаи бошланди.

Шу кунги мамлакатлар Президентлари иштирокида Ўзбекистон ва Венгрия расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала мамлакатлар уртасидаги узаро муносабатларнинг аҳоли, унинг келажиги, ҳамкорлик алоқаларини яна кенгайтириш йуллари муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида бир қатор қўшма ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатлар раҳбарлари ҳар икки мамлакат уртасида ҳар томонлама



ҳамкорлик ва дустона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоландилар. Икки мамлакат ҳукуматлари уртасида дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларнинг узаро визасиз сафари тартиблари тўғрисидаги Битим, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Венгриянинг санаят, савдо ва сайёҳлик вазирлиги уртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида қуриб чиқилган масалалар буйича ҳар иккала мамлакат нуктаи назари бир-бирига яқин эканлиги эътироф этилди. Матбуот анжуманида республикамиз Президенти И. Каримов кунини Тожкистон ҳудудида юз бераётган кунтилсиз воқеалар ҳуеусида тухтаган.

Россия оммавий ахборот воситаларининг бу можароларда Ўзбекистоннинг рағбатлантирувчи кучи бор қабилдаги чиқишларининг асосиз эканлигини, бу ўзбек ва тожик миллатларини бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи бўлган кучларнинг сиёсий найранги эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Президент И. Каримов Афғонистон воқеаларига ҳам тегишли баҳо берди.

Президентнинг ушбу сўзи далили сифатида мамлакатимизга таъриф буюрган венгриялик ишбилармонлар узаро ҳамкорлик юзасидан мулоқотлар олиб бордилар.

Шу кунги Венгрия Президент И. Чакалов номидида Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришмасини бориб қурди, республика Олий Мажлиси таъриф буюрди. Шунингдек, Олий мартабали меҳмон Темирийлар тарихи Давлат музейида ҳам бўлиди.

Суратда: Олий даражадаги учрашув пайти. А. Тўраев (Ў.А) олган сурат.

## ҲАНИМАТ ДАМЛАР ҚАДРИ

Бука тумани Ойхўжа Йулдошев номли жамоа ҳужалигининг «Юлдуз» фермер ҳужалиги меҳнаткашлари пахта тайёрлаш буйича давлат бююртмасини аллақачонқо бажариб қўйишган бўлсаларда, йил буйи тер тукиб этиштирган ҳосилнинг сифатини йўқотмасдан териб олишга қарор қилишганди.

Фермер ҳужалиги раиси Пулат Асроров 1971 йилдан шу ҳужаликда механизаторлик қила бошлаган, уз меҳнати билан шухрат қозonganлардан бири. Пулат ҳар лойим, ҳар бир ишга ғайрат билан киришади. У ўтган йилдан бошлаб фермер ҳужалиги ташкил этиб, унга бошчилик қилиб келаяпти. Бу йил улар 39 гектар майдонда пахта этиштирдилар. Бухгалтерия техникумини тугатганидан бугунги кунда Пулатга кул келаяпти. Фермер ҳужалигининг ҳамма ҳисоб-китоб ишларини узи юритапти.

Асосий эътиборни кам харажат ҳисобига даромадни кўпайтиришга қаратаймиз, деди Пулат. Кечатгина дала айлиниб, очилган чанокларни чамалаб қурдик. Тулиқ чигитли, узун тоғали чанокларимиз кўп экан. Буларни териб оласак, йил буйи қилган меҳнатимиздан янада кўпроқ манфаат қураимиз, фойда оламиз.

Қишлоғимиздаги 40 та кўп боғали оила аъзолари бизда меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси йил давомида ойлик маошларини тулиқ олиб келмоқдалар. Меҳнатдан тошган даромадлари билан уйлар соғинашга, тейлар қилишга ятти. Ҳозир гектарлар ҳосилдорлиги 35 центнерга этиб қолди. Йил якунида даромадларимиз ҳам кўпганимиздай бўлади. Шунинг учун кузнинг қулай кунларидан унумли фойдаланаямиз. Ерга эгалик деҳқон қилиш эканлигининг яна бир афзаллиги томони — ҳосилни йиғиб олиш билан бирга, келгуси йил таралудини ҳам қуриб қўяёмиз. Ерларни тоғалаб, озиклантириб чуқур шудорлашга киришамиз.

Жура ҲАМРОҚУЛОВ, Темура ХАЙДАРОВ.

### ШАҲАРЛИК ҚўМАҚЧИЛАР

Самарқанд шаҳар таянч тиббиёт билим юрти жамоаси ва Пахтачи тумани пахтакорлари уртасида бир неча йиллик, ҳамкорлик ришталари боғланган. Бу алоқалар пахта терими мавсумида яққол кузга ташланади. Бу йил ҳам тиббиёт билим юрти жамоаси ерданда келди.

Терим мавсумида тиббиёт билим юртининг 1030 нафар талабаси ва ўқитувчилари иштирок этишди. Уларнинг қўмағида 800 тоннадан зиёд пахта териб олинди. Шаҳарчилар айниқса А.Аллавердиев номли, Р.Мақдамов номли, «Дехқонобод» жамоа ҳужалиқлари пахта хирмониغا баракали улуш қушди. Уларнинг ғайрати туғайли терим суръати юқори бўлишига эришилди.

И.НОРҚУВВАТОВ.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Россия мудофаа вазири И.Сергеев Қозогистонда бўлиб, республика президенти Н.Назарбаев билан учрашди. Учрашувда иккала томонни қизиқтирувчи ҳарбий масалалар, шунингдек, Қозогистондаги космодромлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинган. Маълумки, Россия космодромлардан фойдалангани учун Қозогистондан қарий 30 миллион доллар қарз. Россия ижара ҳақи учун республикага тўртта Су-27 русумли ўқичи берган.

Кеча Москва касалхоналарининг бирида Қирғизистондаги муҳолифат кучларининг кўзга кўринган вакили Бекмамат Усмонов 51 ёшида вафот қилди. У республикада катта обрўга эга бўлиб, президентликка номзодлардан бири эди.

Швейцария банкларига пул қўйган, бироқ иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағонга учраган яхудиқларнинг рўйхатини эълон қилиш бошланди. Шундай кишилар рўйхати Интернет халқро компьютер тармоғига узатилди. Бироқ яхудиқларнинг вакиллари Швейцария банклари бу борадаги ишни тўла охирига етказиш масаласида сусткашлик қилаётганликларини ташкилдилар.

Канада келаси йили икки юз мингдан ортиқ янабийларнинг доимий яшаш учун қабул қилади. Мамлакатда ишсизлар сони бир миллиондан ортиқ экани бу борада жиддий мулоҳазалар кўриб олишга тўғри келди. Маҳаллий аҳоли чет эллардан қўлаб кишиларнинг доимий яшаш учун Канадага кўчиб келаятигани ишсизлик ортишига сабаб бўлмоқда, деб даъво қилмоқда.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

## ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда тadbirkorлик муваффақиятини ривожлантириш бормоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иқтисодий фаолият юритувчи 163 миңдан кўп субъектлар рўйхатдан ўтган. Уларнинг 85 фоиздан кўри ҳусусий мулкчиликка асосланган.

Иқтисодий таъдилларнинг қуратишча, юқоридаги ижобий сўзлашув асосида 1997 йилнинг биринчи ярим йилида янги ички маҳсулот ҳажмининг ушун 3,9 фоизни ташкил қилди. Йил якуниларининг ҳам ижобий бўлишига шубҳа йўқ.

Мамлакатимизда кўплаб янгидан — янги қатнашчи корхоналар ишта туширилмоқда. Катта миқёсдаги тadbirkorлик билан бир қаторда урта ва кичик тadbirkorлик ҳам ривожланиб бормоқда. Айни пайтда аҳолининг иқтисодий фаолияти ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда кўплаб фуқаролар тadbirkorлик билан шуғулланмоқдалар.

Бозор муносабатлари шаклланиб, ривожланиб бориши қабул қилинган қонунларга, норматив ҳужжатларга тегишли узатиришлар киритиб туриши ҳам тақозо этилди, албатта. Бугунги кунда айрим тadbirkorлар ўз фаолиятларини ташкил этиш ва олиб боришда маъжуд қонунларнинг ётиб-билганам йўлда турлиша бундаришларга ўзла қуянганликлари ҳам сир эмас. Даромаднинг

касеса китобларида қайд қилмаслик, ҳисобларда рақамларни пасайтириб қуратиш, солиқ базасини қамайтириш, солиқ туланиш беш тортиш ҳоллари кул учирайди. Бундай тартибу-ришлар, албатта, жамиятимизга қимматга тушади. Маълумки, мамлакат бюджетининг 90 фоизга яқини солиқ тушумлари ҳисобига шаклланади. Шунинг учун солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маққамасининг «Тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори солиқ ва тулов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг асл моҳияти аввало инсон манфаатларини таъминловчи чора-тадбирларни янада кенгроқ миқёсда амалда оширишга имконият яратилган иборат.

Вазирилар Маққамасининг қарорида жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш, хизмат қуратиш, тушумлари касса дафтаридида қайд қилиш, солиқларни белгиланган миқдорда тулаш жаранида йул қуйилаган камчиликларининг олдини олишга қаратилган муҳим бандлар бор. Масалан, агар жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш, хизматлар қуратишдан олганин тулуш касса дафтаридида қирим қилинмас-

дан савдо қилинса, биринчи мартаба уларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари, бу ҳол қайтаришган ҳолда эса 50 баробари миқдорда молиявий жаза чораси қўлланилади.

Тadbirkorлик ҳалоллигини хуш қуради. Амалда айрим тadbirkorлар ўз тadbirkorлик гувоҳномаларини бошқа шахсларга бериб, гайриқонуний тadbirkorликка йул очадилар. Бундай камчиликка йул қўювчиларга ҳам тегишли жаза чораси белгиланади. Уларнинг гувоҳномаси олиб қуйилади ва уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилади.

Қарорда яна бир муҳим ваъзят қўзда тутилган. Чунончи, ҳар қулиқ нақд тушумини банкка топшириш ва топширилган нақд пул маблаглари олиш ҳуқуқи қайд қилинган. Бу жуда муҳим чора. Энди нақд пул тушумлари билан банкка топширилган қурқамас бўлади. Ушун ташқари, нақд пул тушумлари банкка топширилиб турилса, солиқ тушумлари ҳам аниқроқ назорат қилиш, пул ҳаракатини дурустроқ бошқариш имконияти пайдо бўлади.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан тadbirkorлик билан шуғулланган ҳам тартибга солиниши қарорда ўз аксини топган. Бу ҳолда жисмоний шахслар солиқ органларига даромадлари ҳақида бир марталик декларация тақдим этишлар бас.

### Бизнинг шарҳ

«Ишонч» газетаси мақолалари узидан

### «МАҲСУЛОТ ЭГАСИГА ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЕТИБ БОРСИН»

«Ишонч» газетасининг 1997 йил 26 августдаги «Маҳсулот эгасига тез ва сифатли етиб бориш» сарлавҳали танқидий мақолаи вилоят «Ултуржиже-васабзавот» бирлашмасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Ҳақиқатдан қуратиб ўтилган туман «Ултуржиже-васабзавот» бирлашмаси уюшмалари аҳоли ва деҳқон (фермер) ҳужалиқларидан маҳсулотларни қабул қилиб олиш, уни истеъмолчиларга етказиб бериш учун имкон даражада ишламаётганликлари, маҳсулотларни республика ташқарисига чиқариш ва сотиш унинг эвазига эса халқ истеъмол моллари олиб келмаётганликлари аниқланди.

Бирлашманинг октябрдаги йиғилишида Фуқат, Бувайда, Учқурик туманлари раҳбарларига мақолада қуратилган камчиликларни бартараф этиш топширилди. Мақоладан туғри хулоса чиқарган Ёзевон «Ултуржиже-васабзавот» корхонаси мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашни қулайти-

ди. Бу яхши самара берди. Корхона 1239 тонна қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари тайёрлаб бу борадаги топшириқни шараф билан ушалади.

Вилоят ҳокимлиги мақолада келтирилган камчиликларнинг бундан буен такрорланмаслигини ўз назоратига олади.

К.САЛОҲИДИНОВ, Фаргона вилояти ҳокимиятинг уринбосари.

### «ЯНА ҚАНДАЙ ТОМОША, ДОМЛА?»

«Ишонч» газетасининг 1997 йил 26 июлдаги «Яна қандай томоша, домла?» мақолаи университет жамоасида атрофлича муҳокама қилинди. Унда мақола муаллифи Муҳаммадқодир Отахонов ҳам иштирок этиди.

Вилоят ҳокимлиги университетда соғлом муҳит яратиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни қуралди. Д.ДАДАЖОНОВА, Наманган вилоят ҳокимиятининг уринбосари.

## ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

НАМАНГАН. Наманган вилояти саноатчилари ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини жорий этишлари ўзининг ижобий самарасини бераётди. Моддий техника таъминоти яхшиланиши туғайли кимё корхонасида маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йилга нисбатан икки баробарга кўпайди. Тайёрланган маҳсулот Россия, Туркистон республикаларига етказиб берилмоқда.

Шунингдек, «Наманганмаш» акционерлик жамияти ўз маҳсулотларини Россия, Белоруссия ва Қозогистонга экспорт қилмоқда. Бундан ташқари, «Ширилик», «Наманган консерва» акционерлик жамиятлари тайёрлаган маҳсулотларни ҳамдўстлик давлатларига жўнайтиш, истеъмолчиларнинг бююртмаларини ошириб адо этмоқда. Шу туғайли вилоят буйича саноат маҳсулотлари тайёрлаш 13,5 миллиард сўмини ташкил этиди.

НАВОЙИЙ. Навоий машинасозлик заводидида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон бозори талабларига жавоб бераётди. 30 дан зиёд миллиат вакиллари ахдиликдаги меҳнатларининг самараси қутилгандек бўлмоқда. Кўп миң кишилик жамоанинг иланиши туғайли ҳозир корхонада 60 тонналик замонавий ускуналарни тайёрлаш имкони яратилди.

Марказий Осидея ягона ҳисобланган бу заводда тоғ-кон саноати учун керак бўлган ҳар хил турдаги деталлар, асбоб-ускуналар тайёрланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати эса талаб даражасида. Бу ерда замонавий электрон станоклар ишлаб чиқариш билан бирга кенг халқ истеъмол молларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, «Дина» кир ювиш машиналари, турли хил

пластмасса идишлари бунинг исботидир.

Шу кунларда корхона жамоаси «Қизилқумнобметалл» ҳиссадорлик жамиятининг бююртмаларини бажармоқда.

САМАРҚАНД. Нарпай туманининг бир гуруҳ маърифатчилари ҳамда мактаб ўқувчилари аjoyиб совғага эга бўлдилар. Тумандаги 184-механизацияланган қўшма колонна ҳамда Бобур номли агрофирма қурувчилари уларга иккита янги мактаб биносини сифатли даражада қуриб топширдилар.

Бу икки янги мактаб биносининг бири 720, иккинчиси эса 220 уринга мўлжалланган бўлиб, улар замонавий фан кабинетлари, амалий лабораторияларни ҳам ўз ичига олади.

КАШҚАДАРЁ. Қашқадарё вилоятининг барча туманларида маҳаллий саноат савдо ҳиссадорлик жамияти ҳодимлари томонидан ташкил қилинган қўшма саргарошхона, поймафзал тузатиш, радио-телевизорларни таъмирлаш ва бошқа шу каби қўшма устаноналар пахтакорларга кенг миқёсда хизмат қуратишмоқда. Бу қўшма устаноналар дала меҳнаткашларига асосан кечки пайларда хизмат қуратади. Пахтакорлар бундай намунали хизматдан мамнун.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН. «Учсойбалик» акционерлик жамияти жамоаси аҳолига балиқ маҳсулотларини етказиб бериш буйича жорий йилга мўлжалланган режасини муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Жамоа ахли аҳолига 2 миллион сўмликка яқин қимматбаҳо озик-овқат маҳсулотларини етказиб берди. Бу эса жорий йилга мўлжалланган режага нисбатан 200 миң сўмга кўп демасдир.

Касаба уюшма ҳаёти: жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ЖАРИМА БЕЛГИЛАШМОҚЧИ

Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулстон» корпорацияси жамоаси хирмонда 4800 тоннадан зиёд пахта уйиб, улкан муваффақиятга эришди...

қаришда оғир жараҳатланганларга 6 йиллик иш ҳақи бериш кайд этилди. Касаба уюшма ташкилотининг сай-ҳаракатлари билан жамоа шартномасига корпорация йиллик даромадидан бир фоизини касаба уюшма жамағатига утказиш киритилди...

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда улкан ва мақтовга арзигулик жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Жаҳонга чиқдик. Ривожланган хорижий мамлакатлар билан алоқарамиз мустақамланмоқда...

ОРЗУЛАРИ КЎП ЖАМОА

Ўтган олти йил ичида жуда катта муваффақиятларга эришдик. Ўзбекистонимизнинг шундай ривожланишига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа, корхонанинг ўз улуши бор...

раҳбар тadbиркор бўлса, иш рисоладагидек кечади. Ўтган кўп йиллар қилинган сазой-ҳаракат ва бедор тунларнинг ширин меvasи эмасми бу?

Яхши меҳнат қилгандан кейин, яхши дам олиш ҳам керак. 150 нафарга яқин киши меҳнат қиладиган бу жамоада маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар мўхайё.



маъмурий биноси қиска фурсатларда — бир йил ичида қуриб битказилди. Эски бинода эса тикув-тўкув цехи ташкил қилинди. Ҳозирги кунда бу ерда эллика яқин хотин-қиз меҳнат қиляпти. Бир неча йилдирки, оҳақ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди...

Касаба уюшмаларида ИЛГОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитасининг раёсати «1997 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ишловчилар меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» қарор қабул қилган...

Яқинда шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Вилоят марказига Янгиқўрган туманидан ташриф буюрган бир гуруҳ кишилар сал қизишиб, тегишли идора ходимига шундай савол билан мурожаат қилишди:

— Айтинг-чи, вилоятдаги катта бошлигимиз маошнинг қачон олган? Ходим бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳамма ерда вақтинчалик қийинчиликлар юз беришини, бундай ҳолат жахоннинг ҳозирда тараққий этган барча давлатларида кузатилаганини, жумладан ўз вилоятимизда ҳам бундай иллат бизни ҳам четлаб ўтмаганини, ҳақиқатан ҳам баъзи ташкилотларда молиявий аҳвол бироз таранглашганини тушунтиришга уринди.

Шикоят билан келган гуруҳнинг бошқа бир аъзоси гапга қўшилди: — Сиз саволга тўғрироқ жавоб қайтаришдан қочаясиз, — деди қишлоқ кишиларига хос дангаллигича. — Бизни катта бошлигимиз қачон ойлик олганлиги қизиқтирапти холос. Негаки, биз ўтган йилнинг сентябрь ойидан буюн маош олмасдан ишляпмиз.

Халиги масъул ходим таратдудланиб, жавобга оғиз жуфтлаганида учинчи шикоятчи қўл силтади.

— Қизиқ гапни сўрайсиз-а оғайни, агар биз сингари қўлга пул теғмаса, бошлигимиз меҳнат таътилини Ўзбекистон қолиб, бошқа давлатнинг оромгоҳида ўтказармиди? Холбуки, биз вилоят марказига келиш учун бировимиз хотинимиздан, иккинчимиз танишимиздан қарз сўрашга мажбур бўлдик.

Хуллас, шикоятчиларнинг қуйиб-пишиб берган саволлари жавобсиз қолди. Аслида улар бундан бир неча ой муқаддам касаба уюшмалари вилоят кенгаши қошидаги муҳбирлик пунктига келиб юқорида, тилга олинган бошқотирма билан мурожаат қилишган ва мен уларнинг ташкилотига тегишли вилоят тармоқ қўмитаси раҳбарлари билан шу хусусда фикрлашган эдим. Қўмитадагилар эса шикоятчилар томонидан кўтарилган масалани ечиш учун ҳаракат ҳам қилишган. Энди хабардор бўлишимча, муаммо ечилмаган экан.

Нихоят улар иккинчи марта, бу гал эса муҳбирлик пунктига ёзма шикоят билан келишди. Чунончи, унда шундай жумлаларни ўқиш мумкин: «Биз Наманган сув қурилиши трестига қарашли «Лола» саноатхотининг 18 нафар ишчиси 1996 йил сентябрь ойидан бери маош олмасдан ишляпмиз. Трест раҳбарларига бу ҳақда кўп бор мурожаат қилдик. Аммо улар куруқ ваъддан нарига ўтишмаяпти. Бошқа юқори ташкилотларга ёзган арзномаларимиз ҳам оқибатсиз қоляпти. Шу масалани ҳал

этишда ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз». Етти кишининг имзоси.

Биз шикоят хатини текшириб кўриш ва ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун сентябрь ойи ўрталарида трестга кирганимизда бошлиқ Турсунбой Ҳамроев ҳайратан ҳам меҳнат таътилида экан. Бошлиқнинг молиявий ишлар буйича ўринбосари Дилмурод Мамажонов билан мулоқотда бўлдик.

— «Лола» саноатхотининг маош берилмаётганини тўғри гап, — деди Д. Мамажонов сал муддат сукут сақлагач. — Мен муҳбирлигини билганимдаёқ, шу масала юзасидан бўлса керак, деб ўйлагандим. Улар кўп бор шу тўғрида сўраб келишди, редакцияга боришларини ҳам айтишганди. Афсуски, молиявий имкониятимиз чатоқлигидан шундай бўляпти, Жамоамиз бажарган иш учун қатор ташкилотлар вақтида пул етказиб беришмаяпти.

Масалан, биргина вилоят сув хўжалиги тармоқлари урдадан ишимиз учун 70 миллион сўм маблағ қарадор. Бунақа жойлар анчагина.

Бўлса бордир. Ҳозирги шароитда қаерда ҳам иш хамирдан қил суғургандек осонгина биятапти дейсиз. Ҳамма гап раҳбарнинг урдабуронлигига, елиб-югуришига боғлиқ. Олма пиш, оғзимга туш, дейилган гаплар тушдагина рўй беради холос. Бировнинг муаммосини иккинчи бир киши келиб, ҳал қилиб бермайди.

Шикоятчиларнинг битта ҳақли эътирозлари айниқса, одамни ўйлантиради. Ахир маъмуриятдагиларнинг ўзлари бир ой, нари борса, икки ой кечикиб бўлса ҳам маошни олиб туришибдику!

— «Лола» дагилар келиша берганларидан сўнг яқинда 50 миң сўм пул ўтказиб бердик, — деди мулоқотимиз якунланиши олдидан Д. Мамажонов. — Бу билан улардан деярлик 1996 йил октябрь ойи қарзимиздан қутуламиз.

Шу ўринда битта савол туғилади: қанчонгача фақат шикоят қилиб келганларидан кейингина маош беришга ўтилади? Қоляверса, ўтган йилнинг худди шу давридаги нарх-наво билан бугунгисининг ўртасида катта фарқ борлигини наҳотки трест раҳбарлари тушунмишасан! Кўпчиликнинг бошини силаш зиммасига юклатилган бошлиқлар маош олиш учун хужжатга нимза чекаётганида қўл остидагиларнинг ҳам ўзлари сингари оиласи, бола-чақаси борлигини, улар ҳам рўзгор тебратилари кераклигини бир кўз олдиларига келтириб қўйсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Соли Ҳайдаров Зарафшон шаҳридаги «Мўжизалар майдони» ошонасида 18 йилдан бери оспазлик қилиб келади. У кишининг мижозлари асосан қончилардир. Зарафшонликлар Соли ака Ҳайдаровни беминнат ва ҳалол меҳнатлари учун ҳам беҳад ҳурмат қилишади.



Суратда: С.Ҳайдаров. Нурмаат Алмуродов олган сурат

Хайрия ЕРДАМИ Қўнғирот тумани ишбилармонлари ва тadbиркорлари туман ҳокими Аширбой Римов ташаббуси билан туман марказий шифохонасига икки миллион сўмлик жиҳозлар билан ҳайрия ердами курсати. Жумладан, туман шифокорлари «Тик» сўнгил автомашинаси, рангли телевизорлар ва музлаткичлар олинди. Туман марказий шифохонасининг бош шифокори Я. Уробоев бу ердан учун самийи миннатдорчилик билдириди.

О. КАЛИМБЕТОВ

Қашқадарё янгиликлари Автомат телефон станциялари АТСларо толали кабеллар билан алмаштирилади. Иккинчидан, илчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари ҳам ошди. Мисол учун, ҳозирда 3-3,5 миң сўм олган илчи-хизматчиларимизнинг иш ҳақи 7,5 миң сўмга кўшилди.

Ахжон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» муҳбири

Бошлиқ қачон маош олган?

Бошлиқ қачон маош олган? Бу саволга жавоб беришда муҳим аспектларни эътиборга олиш керак. Бошлиқнинг маош олиши фақат унинг шахсий ҳаётига эмас, балки унинг қўл остидаги ишчиларнинг ҳаётига ҳам таъсир қилиши мумкин. Бошлиқнинг маош олиши фақат унинг шахсий ҳаётига эмас, балки унинг қўл остидаги ишчиларнинг ҳаётига ҳам таъсир қилиши мумкин.

Тотлимурод ОТАМУРОДОВ: СОБИТҚАДАМЛИК, ИЗЧИЛЛИК БИЛАН

Сўхбатдошимиз Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Тотлимурод Жумамуродович Отамуродов етти йилдирки, мухтор жумҳуриятнинг ушбу тармоғига раҳбарлик қилиб келмоқда. У киши билан қилган суҳбатимиз сўнгги олти йил ичида халқ таълими тармоғида амалга оширилган туб ислохотлар, келгуси режалар ҳақида бўлди.

ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ ҲИСОБИГА

Қашқадарё вилотида ҳам Индонезиянинг БАКРИ фирмаси билан қўшма корхона ташкил этилди. Мақсад Қарши шаҳридаги АТС дарини янгилаб, замонавий алоқа хизматини йўлга қўйишдан иборат. Ноябрь ойидан шу ишга тушган. Индонезиянинг Бакри фирмаси билан ташкил этилган қўшма корхонанинг хизмати катта бўлади, дейди вилоят алоқа корхонасига қарашли Қарши таъминот филиали бошлиғи Самат Бозоров. Биринчидан, шаҳардаги 20 миң номерли (рақамли) автомат телефон станциялари АТСларо толали кабеллар билан алмаштирилади. Иккинчидан, илчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари ҳам ошди. Мисол учун, ҳозирда 3-3,5 миң сўм олган илчи-хизматчиларимизнинг иш ҳақи 7,5 миң сўмга кўшилди.

Халқ таълими тизимида ислохотлар қандай бормоқда?

Халқ таълими тизимида ислохотлар қандай бормоқда? Бу саволга жавоб беришда муҳим аспектларни эътиборга олиш керак. Халқ таълими тизимида ислохотлар қандай бормоқда? Бу саволга жавоб беришда муҳим аспектларни эътиборга олиш керак.

# ШАХМАТ ГИРОНИ

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига

## «ДОМЛА»НИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН АЁЛ

ёхуд Кибриё Қаҳҳорованинг деганлари

«Эр-хотин кўш қанот» деган гапта катта ҳикмат бор. Ана шу мавзуда, яъни ҳаёт сўқмоқларида алашганлар ва машаққатлар оша уз бахтини топанлар ҳақида кўп гапирилади. Шунинг уйла-ганда едимга машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг рафикалари Кибриё Қаҳҳорова тушавради. Зеро, у кишининг ҳаётлари кимларгадир сабоқ бўлса, ажаб эмас. Аслида, бу маккола ёзилишининг асл сабабчиларидан бири ҳам ана шу бахт соҳибасидир. У кишининг бундан 3 йил аввал магнит тасма-сига ёзиб олинган овозларини эшитиб, баъзи бир нарсаларни газетга ёзиш истаги туғилиб қолди. Ушундан ана шундай кўз - ҳазорезги пайт эди. Дарвозадан ичкарига қалам қуяр-қуймас ховлидаги хил-хил пишиб ётган хурмога кўзим тушибди, ҳайратланиб қолдим. Ташқарида газетга уқиб ўтирган аёлга ақилланганим-да:

Ассалому алайкум Кибриё опа сиз бўласизми, дедим.  
Ваалайкум ассалом, келинг, қизим, келинг.  
Мен газетадан келувдим, иш юзасидан...

Ана шундан кейин сўхбатимиз уз-узидан бошланиб кетди. Жозибалор, ешгида жулдум чиройиллиги кўриниб турган бу аёл билан жуда тез чиқиб кетдим. Айнакча, опанинг 80 ёши қоралаб қолган. Деганимиз сираям ишонгим келмасди. Чунки Кибриё опага нари борса, 60 ёш бериш мумкин эди. Опа билан аначага сўхбатлашганим мен ҳеч қачон эсимдан чикармасам керак. Шу учрашув баҳона бўлди-ю, опанингга тез-тез борадиган бўлдим. Кибриё опа жуда меҳмондўст эдилар. Шунча ешга етганларига қарамай, меҳмон учун қандай тўям бўлса уларни пишириб, чиройли кийимларини кийиб меҳмон кутаришлар. Қачон борсам уйларига албатта меҳмон буларди. Номин ҳаммамизга ташиш булган машҳур ёзувчилару, энди етилиб келатган еш талант-

лар - барчасини шу хонадонда учратиш мумкин эди. Аёл киши пазанда бўлиши шарт. Домлани (Абдулла Қаҳҳорни опа шундай атарди) қойил қолдириш учун ҳали ҳеч оғизлари тегмаган таомларни уйлаб топардим, ҳатто ҳовларгача узим қилардим. Ишонмасизми, кечаси уйлаб етардим, эртага қандай овқат пиширсам экан, домлани қандай қилиб қойил қолдирсам экан, деб.

Кибриё опа ётоқхонада яшашни эшитиб, уларига таклиф қилдилар. Биз иккаламиз кечаси 2-3 ларгача гаплашиб ўтирдик. Улар менга кўннча газал, рубоий уқиттирдилар. Пазандлик сирларини ургатишдан ҳеч эринмасдилар. Баъзан дугоналаримни эргатириб борсам, дарҳол имтиҳон қилардилар. «Едан газал биласизми, қайси таомларни пишира olasиз?» дег гапта тугатдилар. Ана шундай ажайиб инсон эдилар. Кибриё опанинг ховлисида меваси шигил пишган хурмо дарахтини куриб ҳар қандай киши ажабланиши табиий. Чунки ҳаммага маълумки, хурмо Сурхон воҳаларида уседи. Тошкентда эса хурмо дарахтини биринчи бор учратганим эди. Кибриё опа ажабланиганимни кўриб:

Хурмо дарахтини ҳам домлани қойил қолдириш учун экканман. Мана, кўрганингиздек, Тошкентда ҳам хурмо дарахти устира буларкан. Хурмо дарахти боғимизга битта дарахтга 3 хил мева қўрилган. Аёл киши билан бирга, деган ҳаётга ҳам борган эдим ушунда. Кибриё опа «Сиз бахтимисиз, умуман аёл бахти деганда нимани тушунасиз», деган саволимга шундай жавоб қилди: «Аёл бахти деганда, мен оилавий бахти деб ҳисоблайман. Мана 25 йил

## «Диний покланиш — иймон белгиси» маколаси ва унга битилган шарҳ (шу йил 11 октябр) муштарийлар эътиборини тортди. Қуйида шу муносабат билан келган мулоҳазаларни ўқийсиз.

Мазкур маколани ўқиб, мен бевосита ўзим эшитиб гувоҳ бўлган бир воқеани аччиқ бўлса-да қаламга олишга ботиндим. Бахтиёр одобли, меҳрибон йигит бўлиб етишди. Ёмон йўлга кирмади, папироз чекмайдиган, ичкилик ичмайдиган, уйим-жойим дейдиганлардан бўлди. Бахтиёр ишдан қайтганча, кечки овқат устида онаси тез-тез, болам мана 25 ёшга кириб қолдинг, энди уйланмасанг бўлмайди, бизлар ҳам қариб қолдик. Сенинг тўйингни кўрсак деган умиддамиз, деб ўғлини кўзига термулиб қарарди.

Бир куни онанинг кистови қаттиқроқ бўлди ва она ўзинг бирор кўнлингга ахт ёқадиган қўнлинг бўлса айт, совчиликка борайлик деб қолди. Бахтиёр ҳеч ким билан учрашмаслиги, кўнлингга хуш ёқадиган бирор



Барно СУЛТОНОВА.

ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин» деб, Юқорда таъкидланганидек, аёл турмуш урғоига қайнонасига қанча ширинсу, хушмуомала бўлса, узига ҳам, атрофчиларига ҳам шунча

якши. Абдулла Қаҳҳордек деди жуда утқир, инжиқ табиатли адибимизнинг кўнлига йўл топа олган Кибриё Қаҳҳорова ҳақида айтмоқчи бўлганларим шунлар эди. Бир-бирига қушқанот булган Абдулла Қаҳҳор, унинг рафикаси Кибриё Қаҳҳорова ҳам бу еруг оламни мангута ташлаб кетганлар. Лекин ҳаётликларидан бир-бирларига суяниқ бўлиб, қанчалар-қанча яхши асарлар, таржималар қолдиришди. Абдулла Қаҳҳорнинг буюк адиб бўлишида Кибриё Қаҳҳорованинг роли жуда катта, Кибриё Қаҳҳорова пазанда, ҳар томонлама мукамал бўлишида, катта-катта асарларни таржима қилиб, халққа етказишида Абдулла Қаҳҳор талаб-наҳдиганини аҳамияти катта бўлган. Уларнинг номи кишилар қалбидан ҳеч қачон уммайди.

Ҳурматли тахрир ахт худимлари! Газетанинг шу йил 11 октябрда босилган «Диний покланиш — иймон белгиси» маколасини ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Мен ҳам «Куръони Карим»ни ўқиб чиққанман кейин бўлаётган диний ақикалар, маросимларда ваъзхонлик қилаётган кўп қисмий уламоларимизнинг қайси гаплари рост-у, қайси гаплари хурофот эканини аниглай бошладим. «Куръони Карим»нинг «Фотиҳа» сурасидаги 6-7 оятларда:

«Бизларни ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлиши — тўғри йўлга йўллагайсан. Яъни: мазкур зотлар барча пайғамбарлар, ҳақиқий иймон-эътиқод эгалари ва ўз ақидалари йўлида жонларини фидо қилган кишилардир», дейилади. Яқинда жанозаларнинг бирида жаноза ўқиган имом:

«Мусибатхоналарда пайшанбалик, ақшанбалик, йигirma, қирк, йил ошлар қилинмасин», деди.

Лекин барибир ношуд банд ота-онаси, жигарлари-

## Акс-садо

### ГАП - КИЙИМДАМИ?

оила оламга келдию, тез кунда барбод бўлди. Келин ўзини ва фарзандини қанчалик бахтсизликка маҳкум этганини тасаввур қила олмадими ҳам.

Одатда кўйди-чикди бўлганидан кейин келин томон айбни қувё томонга ва аксинча қувё томон келин томонга қўядилар. Келин томон қувёни, унинг ота-оналари ичкилик ичш, наша чекиш, зиналикда айбласа, қувё томон келин томонни ахлоқи бузуқликда, қайнонага етарли ҳурмат, иззат кўрсатмасликда, ўй ишларини чала қилиб, қуҷадан бери келмасликда айблайдилар.

Ҳақиқатда, унашиш даврида кўп масалага юзак қараб, икки томон бир-бирини фақат ижобий томондан қўрсатишга ҳаракат қилишади, камчиликлар, айниқса сиҳат-саломатликдаги нуқсонлар ҳаспўшланиб, яширилади. Касаллик туфайли қўйди-чикдимнинг олдини олиш учун никоҳ тўғрисида қонунга «қувё-келин тиббий кўрикдан ўтиб, тегишли маълумотномани бир-бирларига кўрсатишлари шарт» деган талабни қўйиши ҳаёт таказо этмоқда.

Кўп ҳолда бундай маълумотномани шифохоналарда арзимаган пора евазига ҳеч қандай кўриксиз олиб, никоҳдан ўтиш идорасига беришади. Бу ишнинг оқибати кейинчалик ўзларига қимматга тушишини тасаввур қилмайдилар ҳам.

Хуллас, ҳозирги кунда ёш оилани яратиб, уни мустақамлаш соҳасида аначагина муаммолар йиғилиб қолган. Бу ҳақда кейинги мақолаларда мунозара юритсам-да, энди ана қаҳрамонимиз тақдирга қайтсам. Бахтиёр ажрашганидан кейин олти ойлар чамаси ўтган, онаси ана уйланиши кераклигини айтиб, тўйдан оғиз очди. Оғзи қуйган қатихни ҳам пуфлаб ичади деганларидек Бахтиёр бу гал юзи очикча боринлар, нима бўлса пешонамдан деди.

Албатта, хижобдаги ҳамма аёлларга бундай қараш тўғри эмас. Ноўғри йўлга кирган, адашганлар, хато қилганлар шаксиз жуда озчилики ташкил қилади-

## Фил суриб, от ўйнатиб ШАХМАТ ЎЗИ НИМА?

Бу савол қадим замонлардан бери одамларни қизиқтириб келади. Унга биринчилардан бўлиб аниқ жавоб топган киши XI асрда яшаб ижод этган илоҳий олим Имом ар Рағиб Исфаҳонийдир. Яқинда эълон қилинган танловимиз иштирокчилари ҳам бу савол атрофида қисқа-қисқа фикр юритишган.

Бир қарашлик Капабанканинг уйин услубида куза ташланадиган нарса, Уйнаба баҳорида пайқамай қозини ва хатого нуд қўймасликка тула ишончидир. Бу шубҳасиз, Капабанка шахмат уйнашни тулақидиган урганиб олаганидан гувоҳлик бериши. Шахмат унинг учун она тили бўлиб қолган эди. Шахматга менг шериатнинг, мусулмоннинг, метморлик ва рассомликнинг туғишган бироларини қурман, турмушнинг чигал ва бешафқат қонунларини ҳис этман. Ҳаётга ҳар кимнинг уз муносабати бўлганидек, санъатин ҳар ким ҳар хил қабул қилганидек, шахматдан ҳам ҳар ким узича баҳраманд бўлади. Бироз уни эрмак учун уйнаса, бироз узининг қобилиятини чарқалайди. Бошқа бироз эса, ундан эстетик зафқ олади.

Мен учун шахмат аввало узини тарбиялаш манбаи. Ҳаёт сўқмоқларинда яшлаганасиз, ягона тўғри йўли топа билши, муаррақаб ҳолатларда тез ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятда тўғри баҳо бери олиш, шохқалоқ суз ва шохқалоқ ҳатти-ҳаракатдан тийилиш сингари ҳолатларга бизни шахмат ҳам ургатайди.

Шахмат кишини даволик ва қурашчанлик руҳида тарбиялайди, мақсад сари нигиливчанликни шакллантиради. Давр бизни ҳисоб-қитоби, тежамли ва омёлқор бўлишга, фойда-зарарини уйланишга чакирмоқда, ҳар бир ишга пировард натижага қараб баҳо беришни талаб этмоқда. Шахматга қурбон бериш қолдан бор. Миқсалга тез ва шахмат етиб бориш учун катта-кичик қурбонлар беришга тўғри келади. Оқибат гадабага эришмоқ учун дадил, мусулволатини бўйнига олган ҳолда тўғри сарфлардан чўчимаслик керак. Буз устига катта мақсад йўлида биз уз ҳиловатларимизни, маффақатимизни қурбон қилмаймиз.

Хаётнинг ҳам, шахматнинг ҳам езилмаган қондилари, бор. Уларга амал қилмаган киши албатта қоқилади. Қондан узгармас деб унга тил-тирноғи билан епишиб олган одам ҳаётга ҳам гадаба қила олмайди. Ҳаётга баъзан еш истаёлқод эгаси узоқ вақт кучлиликка танимай, унинг меҳнати муносиб баҳолашмай қолган ҳолати бўлиши мумкин. Лекин шахматда бундай бўлмайди. Унда қаринош-уруғчилик, тарафқаршилик эътибор топмайди. Бу ақллар қурашш, тўғридан жағш...

## Хориж хандалари

Анжела муҳаббат дистрикати туламини ўқиб ўтирибди. Бир пайт у таажуб билан эрида деди:  
«Азизим, биласанми, қандайдир Пётр деган шoir сен менга бундан йигирма йил аввал ташишган шериатини ургиларди...»  
Мақсабдан қайтган жажжи Пьердан отаси суралди:  
«Уш, айт-чи, янги муаллимларнинг қанчай экан?»  
«Менга ёқди. Фақат шуниси ачинарлики, у билан орамиздаги ешишнинг фарқи жуда катта экан...»

Барно СУЛТОНОВА.

## ХУРОФОТЛАР БАРҲАМ ТОПСИН

Ҳозирги кунда таълим ва фан худимлари Андижон вилояти кўмитаси тизимига қарашли тармоқ одимлари ва талаба ёшлари кўнчиликини ташкил қилади. Андижон вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари вилоят Бирлашмасининг яқиндан берган бегараз ёрдамлари ва улар ҳамкорлигида тармоқ одимлари ва талаба ёшларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари вилоят, шаҳарлар, туманлар ва бошланғич касаба уюшма кўмиталари фаолиятида асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Худимларни ва талаба ёшларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ва саломатликларини яхшилаш мақсадида 1996 йил 5 миллиондан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 9,5 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган, 1997 йилнинг ўзида бошланғич, шахар, туман ва вилоят кўмиталарида спортнинг энг оммавий ва миллий турлари буйича спартакиадалар минтақаларга бўлиниб ўтказилмоқда. Бундай тадбир-

лар, айниқса, Андижон шахри, Олтнкўл, Кўрғонтепа, Марҳамат, Булоқбоши ва Шаҳрихон туманларида кўнчилигини рўқда ўтказилди.

Таълим ва фан ташкилотларида 15 спорт турлари буйича 78 та гуруҳда 1236 та талаба спорт билан шугулланади. 12 та саломатлик гуруҳи тузилиб, уларга 180 нафар талаба жалб қилинган.

Спортнинг оммавий ва миллий турлари буйича спорт мусобақалари, сахналаштирилган «Балли қизлар», «Ўзбекистон — Ватаниманим» мавзусида турли танловлар ўтказилди. Масалан, бу йил ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаниманим» кўрик танловида таълим тизими буйича Андижон чет тиллар институти талабалари 32 та олий ўқув юртлири ўртасида 1-ўринни олишга сазовор бўлиши, умумий кўрик — танловда қатнашган жамоалар орасида эса рағбатлантириш совринига эга бўлди.

Шу сабабли институт жамоасига вазирлик томонидан пул мукофоти, барча қатнашчиларга эса 1000 сўмдан мукофот берилди. Бунинг учун ректорат томонидан 230 минг сўм бюджетдан ташқари маблағ ажратилди.

Лекин вилоят таълим тизимининг спорт ишларида

бир неча муаммолар ҳам мавжуд. Барча ўқув юрти муассасаларида спорт анжомлари, етишмайди. айрим жойларда эса спорт кийимлари ҳам етишмайди.

Спорт иншоотлари ахволи ҳам яхши эмас. Сув спорт бассейнарларидан фақат Андижон чет тиллар олийгоҳиники ишлайди. Биронта ўқув юртида фақат Андижон чет тиллар олийгоҳиники ишлайди. Спорт иншоотлари ахволи ҳам яхши эмас. Сув спорт бассейнарларидан фақат Андижон чет тиллар олийгоҳиники ишлайди. Спорт иншоотлари ахволи ҳам яхши эмас. Сув спорт бассейнарларидан фақат Андижон чет тиллар олийгоҳиники ишлайди. Спорт иншоотлари ахволи ҳам яхши эмас. Сув спорт бассейнарларидан фақат Андижон чет тиллар олийгоҳиники ишлайди.

## Қўлингиз ДАРД КЎРМАСИН!


Инсон касал бўлганча ёруғ жажон ҳам кўзига қўрнмай кетар экан. Бунинг биз ўз бошимиздан ўтказдик. Турли дард билан Тошкентдаги 1-клиникада даволандик. Клиника бўлим бошлиги Ёдгора Аҳмаджонова ва даволочи врач Моҳира Ҳикматуллаева ўз худимларига меҳрибон ва ўта талабчан. Беморларга ниҳоятда ширинсуз. Зўҳра, Ҳасима, Санобархон, Ҳамидоҳон (афсус уларнинг фамилияларини билмаймаиз) сингари шифокорлардан ҳам божад хурсандимиз.

Биз бир гуруҳ даволаувчилар юқориде номлари тилга олинган шифокорларга чукур миннатдорчилик билдирамиз:

3. Нишонбоева, М. Ҳайдарова, М. Эрхўжаева,

Ўзбекистон ва жаҳон ЭНГ МУҲИМИ - ЎЗАРО ИШОНЧ

29 октябрь куни Тошкентда Нидерландия Қироллигининг Консулхонаси очилди. Шу муносабат билан маъруза давлатнинг Ўзбекистондаги биринчи Консули жаноб Питер Кляйн билан мулоқотда бўлди.



ДУНИЁ СУРАТКАШ НИГОҲИДА

Ватанга, инсонларга ва табиатга бўлган муҳаббат каби туйғуларни фото тасвир орқали инсонлар қалбига етказувчи устасураткаш Алекс Левин ижодий кўрғазмаси Тошкентдаги «Дийдор» фотостудиясида намойиш этилмоқда.

Мунафажнинг таъбири

(3-9 ноябрь кунлари учун)

ДАТВ (21.01-18.02) ойда тутилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутулув. Ҳар қандай ишларни амалга ошироқлари мумкин. Бунда албатта дилда Аллоҳни сақламоқ талаб этилув.

СУНБУЛА (24.08-23.09) ойда тутилганлар учун ҳафта оддий, олатдагилай ўтиши кутулув. Саҳнатта чиқиш, табиат кўйида бўлиш жуда гаштли ва кўнгилли яқунланув.

МЕЗОН (24.09-23.10) ойда тутилганлар учун ҳафта тўла омадли келур. Шунинг учун иложи борича натижаси номаълум ишлардан сақланмоқ лозим.

АҚРАБ (24.10-22.11) ойда тутилганлар учун ҳафта одаддагилай ўтиши кутулув. Бу кунлари кундалик ишлар билан шугулланиш, оилавий дам олиш, саҳнатта чиқиш кўп маъносил бўлув.

ЖАДИЙ (22.12-20.01) ойда тутилганлар учун бу ҳафта оддий келиши мумкин. Бу кунлари одаддаги ишларни давом эттириверган маъносил. Сафарга чиқиш, тўй-маърака ўтказиш, раҳбарлар хузурига кириш кўнгилдагидек тугалланув.

«ИШОНЧ» - 98: ЯНАДА ҚИЗИҚАРЛИ, РАНГ-БАРАНГ БУПАДИ!

Advertisement for 'Ishonch' magazine. Includes a photo of a woman and text describing the magazine's content, such as 'Мухтарман Касаба уюшмаларини публика газетаси «ИШОНЧ» ҳар шанба ахборотида чиқари.

ДУШАНБА, 3

ТЕЛЕМОШБАНИЛАР ДИҚҚАТИГА! Профилдаги муносабати билан 3 ноябрда ҲТБ 1 кўрсатувлари соат 17.55 да бошланади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Оброста кийинайлик».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25 - Эълонлар.

17.55 Янгиланлар. 18.00 «Гарри - кор одам». Киска метражли телевизион фильм. 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси. 18.20-21.35

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.25

22.25 Эълонлар. 22.30 «Икки шахар қиссаси». Бадий фильм (Англия).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мулътарусул». 19.00, 21.35 Эълонлар. 19.05 «Кўнгли синиклар мактаби».

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

ПАЙШАНБА, 6

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Эстрада хонандлари кўйидаги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Фарзан - умид билдирув».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Эълонлар.

17.55 Янгиланлар. 18.00 «Гарри - кор одам».

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00

18.20-21.35

21.35 «Кораннинг». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.25

22.25 Эълонлар. 22.30 «Ок бўрилар».

17.10-18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз». 8.45 «Шарҳ тароналари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул». 19.00, 21.50 Эълонлар.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

ШАНБА, 8

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Эстрада хонандлари кўйидаги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул». 19.00, 21.50 Эълонлар.

17.55 Янгиланлар. 18.00 «Гарри - кор одам».

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00

18.20-21.35

21.35 «Кораннинг».

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.25

22.25 Эълонлар. 22.30 «Ок бўрилар».

17.10-18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул».

ЯКШАНБА, 9

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Эстрада хонандлари кўйидаги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул».

17.55 Янгиланлар. 18.00 «Гарри - кор одам».

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00

18.20-21.35

21.35 «Кораннинг».

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.25

22.25 Эълонлар. 22.30 «Ок бўрилар».

17.10-18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-юз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кўнглим, хон қўнглим».

18.45 «Мулътарусул».

Advertisement for 'Ishonch' magazine subscription. Includes contact information for the publisher and details about the magazine's content and pricing.